ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2018 йил "8" июнь № 511 Тошкент ш.

Республика олий таълим муассасаларига 2018/2019 ўқув йили қабулини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда республика олий таълим муассасаларига 2018/2019 ўқув йилида талабалар қабулини юқори савияда ўтказиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3726-сон қарорининг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

3.1. 2018/2019 ўқув йили қабулини юқори савияда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини 3 кунлик муддатда ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

3.2. Олий таълим муассасаларининг ректор раислигида ташкил этиладиган қабул комиссиялари таркибини тажрибали, ҳалол, пок, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириш;

қабул комиссияларининг тасдиқланган таркибининг ҳар бир аъзосига юклатилган вазифаларини талаб даражасида бажарилишини таъминлаш;

абитуриентлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, ижодий имтиҳонлар натижаларини расмийлаштириш, жамлаш ва тақдим этишга масъул ва ижрочи ходимларга йўл қўйиладиган хатоликлар оқибати ва жавобгарлик тўғрисида батафсил тушунтириш ва йўриқномалар беришни ташкил этиш;

3.3. Абитуриентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнда 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриати (магистратураси)га талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган ҳолларда, олий таълим муассасасининг қабул комиссияси ҳужжатларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслиги ва ушбу масъулият қабул комиссияси раиси ва масъул котибининг зиммасига юклатилишини таъкидлаб ўтиш;

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-213-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1765-сон Қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар учун бепул асосида ташкил этилган тайёрлов курсларида абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришга самарали тайёргарлик кўришларини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тайёрлов курсларини зарур услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлаш, ўқув машғулотларини олиб бориш учун юқори малакали, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

таълим йўналишиларига мос тест синови фанлари мажмуаси бўйича ўқув машғулотлари ва маслаҳатлар жадвалини тузиш;

тайёрлов курслари машғулотларига қатнаётган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тингловчилар тўғрисида маълумотларни Олий таълим муассасалари бош бошқармасига ҳафтанинг ҳар жума кунлари жорий йилнинг 15 июлига қадар вазирликнинг Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармасига тақдим этиб бориш;

3.5. Қабул комиссиялари фаолият кўрсатадиган жойларни жорий йилнинг 15 июнига қадар қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, янгиланган касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот

лавҳалари, фанлар бўйича дастурлар, маслаҳатлар жадвали, эълонлар ва бошқа зарур маълумотлар билан жиҳозлаш;

3.6. Олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва ижроси устидан назорат қилиш, белгиланган муддатларда жавоблар йўллаш жараёнига бўлган масъулиятини кучайтириш;

фуқаролар қабулини жой, кун ва соатлари аниқ кўрсатилган жадвалга қатъий риоя этган ҳолда ўтказишни таъминлаш;

3.7. Абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш даврида (15 июндан 15 июлгача) абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига хордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

олий таълим муассасалари ҳудуди ва қабул комиссиялари фаолият кўрсатаётган жойларда ташкил этилган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари овқатланиш масканларини мунтазам равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда уларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

3.8. Олий таълим муассасалари ҳудуди ва қабул комиссиялари фаолият кўрсатаётган жойларда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бегона шахсларнинг бўлишига йўл қўймаслик, зарур бўлган ҳолларда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларига хабар бериб тегишли чораларни кўрилишини таъминлаш;

мазкур бинолар ҳудудида шубҳали буюмлар, ҳатти-ҳаракатлар аниқланган ҳолларда зудлик билан ҳуқуқ-тартибот органларига маълум қилиш;

3.9. Олий таълим муассасалари талабаларининг кириш синовларида ноқонуний иштирок этишини олдини олиш мақсадида Кадрлар бўлимидан талабаларнинг ҳужжатларини асоссиз чиқармаслик чораларини кўриш;

3.10. Абитуриентларни олий таълим муассасасининг таълим йўналишлари, уларда талабаларнинг билим олиш, яшаш ва бўш вақтларини фойдали ўтказишлари учун яратилган шароитлар билан таништириш мақсадида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кўргазмалар ташкил этиш;

мазкур тадбирлар кўргазмали тарғибот ва оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилишини йўлга қўйиш;

3.11. Ижодий (касбий) имтиҳонлар ўтказилиши белгиланган фанлар бўйича предмет комиссиялари раисларининг рўйхати идоравий тасарруфига қараб вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун тайёрлаш;

ижодий (касбий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича дастур ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ижодий (касбий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар дастури, абитуриентлар билимини баҳолаш мезонлари, консультациялар ва имтиҳонлар жадвалини қабул комиссиялари эълонларида ёритиш;

3.12. Абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни (иловада келтирилган 1-8 шакллар бўйича) 2018 йил 15 июндан бошлаб мунтазам равишда, белгиланган муддатларда соат 18^{00} гача "Абитуриент" Ахборот марказига **abiturient@edu.uz** электрон манзил бўйича (формат - Microsoft Excel 2003) тақдим этиш ва қуйидаги телефонлар бўйича олий таълим муассасалари Қабул комиссиялари масъул ходимлари томонидан тасдиғини олиш: 246-38-57, 246-01-69);

бу борада олий таълим муассасалари Қабул комиссиялари масъул котиблари масъулиятини кучайтириш;

3.13. Республика ҳудудида қонуний фаолият юритаётган олий таълим муассасалари, шу жумладан республикамизда таълим фаолияти билан шуғулланиш учун рухсати (лицензияси) мавжуд бўлган хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳақидаги расмий маълумотлар билан абитуриентларни таништириш;

3.14. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда 3 кун муддатда олий таълим муассасасининг бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлаш бўйича таклифларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этиш;

3.14. Абитуриентлардан махсус сиртқи бўлимларга ҳужжатларни қабул қилишни олий таълим муассасасининг алоҳида биноларида ташкил этиш;

3.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги ПҚ-3769-сон қарорининг 18-бандида кўзда тутилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида ушбу қарордан келиб чиқадиган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни бир ҳафта муддатда вазирликка (a.xoliqov@edu.uz электрон манзилига) тақдим этиш вазифалари топширилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари:

4.1. Абитуриентлар, уларнинг ота-оналари билан бевосита мулоқот қилган ҳолда уларда юзага келган турли саволлар бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар беришни кўзда тутиб, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари ҳузурида Ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этсин;

4.2. Ахборот-маслаҳат марказларига юқори малакали, кўп йиллик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар жалб этилсин.

4.3. Ахборот-маслаҳат марказлари интернетга уланган компьютер, телефон алоқаси билан таъминланган, қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот лавҳалари,

маслаҳатлар жадвали, эълонлар ва бошқа зарур маълумотлар билан жиҳозлансин.

4.4. Ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилган ҳудуд, бинога элтувчи йўлларга тегишли кўрсаткичлар ўрнатилсин.

4.5. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, веб-сайтларда хабар бериш орқали ахборот-маслаҳат марказининг фаолияти тўғрисида аҳолига маълумот етказилсин.

Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига:

2018/2019 ўқув йили қабулига оид, жумладан тест синовларини ўтказиш бўйича янги ўзгаришлар;

олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шакллари;

олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ҳамда магистратурасига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиблари тўғрисидаги Низомлар;

имтиҳон шакллари, таълим йўналишларининг тест бўйича мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси;

алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўтказиш тартиби;

касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган таълим йўналишлар бўйича фан дастурлари ва баҳолаш мезонлари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби;

ногиронларга ажратилган давлат гранти асосида қўшимча умумий қабул қилишнинг 2% ли квоталари, Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари учун давлат гранти асосида қўшимча умумий қабул қилишнинг 5 %ли квоталари бўйича ўқишга қабул қилиш тартиблари тўғрисида тегишли тушунтириш ва консультация бериш Ахборот-маслаҳат марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

Ахборот-маслаҳат марказлари алоҳида бириктирилган телефон рақами орқали абитуриентлардан тушадиган саволлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг оммавий гуруҳларида берилаётган саволлар, кўтарилган муаммоларни жойида ўрганиб, тегишли тушунтириш бериб борсин.

5. Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муасссалари ректорлари (филиаллар директорлари) Иқтисодиёт вазирлиги, кадрлар истеъмолчилари билан биргаликда:

кадрлар буюртмачилари рўйхати ва 2018/2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилинган ва ўзи томонидан тақсимланган талабалар сонини, 2018/2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларнинг амалиёт ўташ объектлари рўйхатини шакллантирсин ва 2018 йил 1 декабргача вазирликка киритсин.

6. Халқаро алоқалар бўлими (Ё.Иргашев), Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари):

Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари таълим жараёнига хорижий етакчи олимлар, мутахассис-амалиётчилар ва юқори малакали ўқитувчиларни тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича дарс машғулотларини ўтказишга жалб этиш чораларини кўрсин.

7. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов)га:

олий таълим муассасалари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда жорий йилнинг 25 июль кунига қадар муддатда республика олий таълим муассасалари рейтингини ҳар йили аниқлаш миллий тизимини рейтингнинг устувор кўрсаткичларини белгилашда кадрларга асосий буюртмачиларнинг – вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг талабларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

олий таълим муассасалари билан биргаликда белгиланган тартибда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига янги киритилаётган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда кадрларнинг асосий буюртмачилари билан биргаликда олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларини 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказиш ва натижаларига кўра ушбу бакалавриат таълим йўналиши бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мутахассислик кафедрасининг фаолиятини тугатиш ҳақида таклифлар тайёрлаш юзасидан ҳамкорлик ўрнатиш;

республика олий таълим муассасалари қабул комиссияларининг ишини ташкил этишда услубий ёрдам кўрсатиш;

олий таълим муассасалари томонидан ижодий (касбий) имтиҳонлар ўтказиладиган фанлар бўйича дастур ва баҳолаш мезонлари тайёрланишини ташкил этиш;

абитуриентлардан бакалавриат ва магистратурага ҳужжатларни қабул қилиш жараёни мониторингини юритиш;

зарур ҳолатларда вазирлик ходимларини хизмат сафарига жўнатиш ҳақида таклифлар киритиш вазифалари топширилсин.

8. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (С.Ниязбеков), олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари)га:

вазирлик ҳайъат котиби (М.Закиров) билан биргаликда олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат фаолияти давомида уларнинг билим ва кўникмаларида кузатилган камчиликларни иш берувчилар иштирокида ҳар чоракда камида бир марта вазирлик ҳайъатида муҳокама қилиш;

ҳар йил якуни бўйича, лекин кейинги йилнинг февраль ойидан кечиктирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва туризм масалалари комплексига тақдим этиш мақсадида тайёрланаётган кадрлар малакасидаги камчиликлар тўғрисидаги умумлаштирилган таҳлилий ахборот, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича тавсия ва таклифлар тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

9. Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (С.Ниязбековга)га Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (Б.Раҳимов) ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда бир ой муддатда янги киритилаётган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича, шунингдек, Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда “Мактабгача таълим” бакалавриат таълим йўналишининг малакавий талаблари, ўқув режалари ҳамда дастурларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқлашга киритилишини таъминлаш;

кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ҳар йили янги ўқув йили бошлангунига қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ҳамда дастурларини меҳнат бозори конъюнктурасининг тез ўзгарувчан шароитида юқори малакали кадрларнинг амалий тайёргарлигини таъминлайдиган замонавий фанлар киритган, ишлаб чиқариш ва реал иқтисодиёт тармоқларида инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

10. Вазир ўринбосари М.Иноятов, Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов)га олий таълим муассасалари бўлган

вазирлик ва идоралар, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ўқитишга сарфланадиган жами харажатлардан келиб чиққан ҳолда қиймат миқдорини аниқлашни назарда тутадиган, олий таълим муассасаларида талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини аниқлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда киритиш вазифаси юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига ҳужжатларни қабул қилиш, ижодий (касбий) имтиҳонлар натижалари ҳамда қабул якунлари тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида жорий йилнинг 15 июнидан 15 сентябригача фаолият кўрсатувчи "Абитуриент-2018" Ахборот маркази Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси ҳузурида ташкил этилсин.

12. "Абитуриент-2018" Ахборот марказининг ишчи гуруҳи қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. М.Арипджанов	-	Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
2. И.Нематов	-	бўлим бошлиғи
3. Э.Каримов	-	бош мутахассис
4. Э.Қиличев	-	бош мутахассис
5. У.Ҳодиев	-	бош мутахассис
6. А.Маманазаров	-	етакчи мутахассис
7. Д.Муйдинов	-	бош мутахассис
8. М.Закиров	-	Ҳайъат котиби, ОАВ билан алоқалар бўйича масъул

13. Ишлар бошқармаси (А.Арзиматов) жорий йилнинг 10 июнига қадар "Абитуриент-2018" Ахборот марказини замонавий компьютер, нусха кўчириш-факс аппарати, телефон ўрнатилган иш ўринлари, шунингдек, эҳтиёжга кўра канцелярия моллари ҳамда зарурий иш юритиш ускуналари ва сарфланадиган материаллар (папкалар, қоғоз, факс қоғози, картридж) билан ўз вақтида таъминласин.

14. Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент кимё-технология институти ректорларига жорий йилнинг 15 июнидан 15 сентябрига қадар "Абитуриент-2018" Ахборот маркази ихтиёрига биттадан компьютерни (принтери билан) вақтинча фойдаланиш учун етказиш ва биттадан малакали операторни хизмат сафарига юбориш вазифаси топширилсин.

15. "Абитуриент-2018" Ахборот марказининг ишчи гуруҳига республика олий таълим муассасалари бўйича абитуриентлардан ҳужжатларни қабул

қилиш тўғрисидаги кундалик ва 5 кунлик таҳлилий маълумотларни мунтазам равишда вазирлик раҳбариятига тақдим этиб бориш вазифаси топширилсин.

16. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов) Бош юрисконсульт (Р.Сулейманова) билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар тайёрласин.

17. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир **И. Маджидов**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
“ 8 ” июн 2018 даги “ 511 ” – сон
буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарорининг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар
РЕЖАСИ

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарорини тизимдаги барча идораларга электрон шаклда юбориш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат келиб тушган куни	Назорат ва мониторинг бошқармаси, Девонхона
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарорини ўз расмий веб сайтларига жойлаштириш.	Бир кун ичида	Олий таълим муассасалари, Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси
3.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий идораларида "Ҳуқуқий билимлар" ўқув машғулотларини жорий этиш, малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ахборот-таҳлилий материалларнинг ўқиб ўрганилишини ташкил этиш.	Ҳафтанинг сешанба куни	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари,
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарорининг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этиш, қарорнинг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича, ОТМларда ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва тасдиқлаш.	3 кун ичида	Олий таълим муассасалари
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарорининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган материаллар тайёрлаш, унинг матнини ўзбек ва рус тилларида расмий веб-сайтларга жойлаштириш.	Икки ҳафта ичида	Олий таълим муассасалари, Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарорининг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган мақола, материал ва	Бир ҳафта ичида	Олий таълим муассасалари

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
	экспертларнинг шарҳларини "uz" доменида давлат рўйхатига олинган веб-сайтларда жойлаштириш.		
7.	Тарғибот тадбирларида аҳоли томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифларни (мавжуд бўлса) ўрганиш, умумлаштириш ва тегишлилиги бўйича киритиш (зарур ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий сўровлар ўтказиш).	2018 йил 5 июль	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, Маънавият ва маърифат маркази, Бош юрисконсульт
8.	Мазкур чора-тадбирлар ижроси ҳақида Вазирликка таҳлилий ва статистик маълумотлар киритиш.	2018 йил 10 июль	Олий таълим муассасалари
9.	Мазкур чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиш, умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ахборот киритиш	2018 йил 15 июль	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, Маънавият ва маърифат маркази

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил июлдаги 511 сон буйруғига
илова

1-шакл

2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасалари бакалавриати бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида
МАЪЛУМОТ

сана “__”_____2018 й.

№	ОТМ номи	Қабул режаси (к/м.с)	Тушган аризалар сони (ўқитиш тиллари бўйича)								шу жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаси билан ҳужжат топширган абитуриентлар сони						Танлов кўрсаткичи (конкурс)
			ўзбек		рус		Жами		2018 йил жами	2017 й. шу кунга жами	ўзбек		рус		Жами		
			кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи			кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи	

Изоҳ: 1-шакл ҳар куни соат 18^{00} гача тақдим этилади.

2-шакл

2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари бўйича абитуриентлардан тушган аризалар хақида
МАЪЛУМОТ

сана “__”_____2018 й.

№	Олий таълим муассасаси, таълим йўналиши (бакалавриат таълим йўналишлари шифрлари, номлари ва ёзилиш кетма-кетлиги Қарорда кўрсатилган тартибга тўлиқ мос бўлиши талаб этилади)		Қабул режаси (к/м.с.)	Тушган аризалар сони (ўқитиш тиллари бўйича)							
	шифри	номи		Жами	ўзбек		рус		Жами		
					кундузги	махсус сиртқи	кундузги	махсус сиртқи	кундузги	махсус сиртқи

Изоҳ: 2-шакл ҳафтанинг жума кунлари ҳамда 10-15 июль кунларида тақдим этилади.

3-шакл

2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига абитуриентлардан тушган аризалар хақида
МАЪЛУМОТ

сана “__”_____2018 й.

№	Олий таълим муассасаси номи	Ижодий (касбий) имтиҳон топш.				Олимпиада ғолиблари				Муддатли ҳарбий хизмат				Кўзи ожизлар				Етим/1-2 гурух ногирон				Лотин имлосида тест топширадиганлар
		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		
		к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.	м. с.	к.

Изоҳ: 3- шакл ҳафтанинг жума кунлари ҳамда 15 июлда тақдим этилади.

4-шакл

2018/2019 ўқув йили қабулида вилоятлар кесимида абитуриентлардан тушган аризалар хақида
МАЪЛУМОТ

сана “__”_____2018 й.

№	Олий таълим муассасаси	Режа	ҚҚР	Анд. вил.	Нам. вил.	Фар. вил.	Бух. вил.	Хор. вил.	Сурх. вил.	Қаш. вил.	Жиз. вил.	Нав. вил.	Сам. вил.	Сир. вил.	Тош. вил.	Тош. шах.	Ҳориж давл.	Жами

Изоҳ: 4-шакл ҳафтанинг жума кунлари ҳамда 15 июлда тақдим этилади.

5-шакл

2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасаларидаги абитуриентларнинг миллий таркиби ҳақида
МАЪЛУМОТ

сана “__”_____2018 й.

№	Олий таълим муассасаси	Жами	ўзбек	қора-қалпоқ	рус	қозоқ	қирғиз	тожик	туркман	корейс	татар	украин	арман	озарбай-жон	уйғур	белорус	бошқа миллат

Изоҳ: 5-шакл 15 июлда тақдим этилади.

6-шакл

2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига АЛ ва КҲК битирувчиларидан тушган аризалар ҳақида
МАЪЛУМОТ

сана “__”_____2018 й.

№	Олий таълим муассасаси номи	Умумий қабул режаси	Жами абитуриентлар	шу жумладан											
				АЛ ва КҲК битирув-чиларидан тушган аризалар		АЛ битирувчиларидан тушган аризалар сони					КҲК битирувчиларидан тушган аризалар сони				
				сони	%	Жами	кундузги		махсус сиртқи		Жами	кундузги		махсус сиртқи	
							сони	% да	сони	% да		сони	% да	сони	% да

Изоҳ: 6-шакл 20 июлда тақдим этилади.

7-шакл

2018/2019 ўкув йилига таълим муассасалари магистратурасига абитуриентлардан тушган аризалар тўғрисида
М А Ъ Л У М О Т

сана “__”_____2018 й.

№	Олий таълим муассасаси номи	Қабул режаси		Тушган аризалар сони		2018 йил жами	2017 йил шу кунгача жами
		ўзбек	рус	ўзбек	рус		

Изоҳ: Маълумот ҳар куни соат 18^{00} гача тақдим этилади.

8-шакл

2018/2019 ўқув йилига таълим муссасалари магистратурасига абитуриентлардан тушган аризалар тўғрисида
М А Ъ Л У М О Т

сана “__”_____2018 й.

№	Мутахассислик (магистратура мутахассисликларининг шифрлари, номлари ва ёзилиш кетма-кетлиги Қарорда кўрсатилган тартибга тўлиқ мос бўлиши талаб этилади)		Қабул режа (2018 й.)		Тушган аризалар сони							Изоҳ (Президент ёки давлат стипендияси номи)
					Жами	ўзбек		рус		умумий		
	шифри	номи	ўзб.	рус		жами	имтиёзли (Президент ва давлат стипендиатлари)	жами	имтиёзли (Президент ва давлат стипендиатлари)	жами	имтиёзли (Президент ва давлат стипендиатлари)	

Изоҳ: Маълумот ҳар жума ҳамда 25, 26, 27, 28, 29, 30 июль кунларида тақдим этилади.